

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ОТАБЕК ЯКУПДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АБДОМИНАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРДА МУЛТИМОДАЛ  
АНЕСТЕЗИЯ ВА АНАЛГЕЗИЯ**

**14.00.09 –Педиатрия  
14.00.37-Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Файзиев Отабек Якупджанович**

Болаларда абдоминал операцияларда мултимодал анестезия ва  
аналгезия..... 3

**Файзиев Отабек Якупджанович**

Мултимодальная анестезия и анальгезия при абдоминальных операциях  
у детей..... 29

**Fayziev Otabek Yakupdjjanovich**

Multimodal anesthesia and analgesia for abdominal surgery in  
children..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ОТАБЕК ЯКУПДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АБДОМИНАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРДА МУЛТИМОДАЛ  
АНЕСТЕЗИЯ ВА АНАЛГЕЗИЯ**

**14.00.09 –Педиатрия  
14.00.37-Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1109 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация авторефератиикки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва«Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сатвалдиева Элмира Абдусаматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Журабой Маърифбоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шомансурова Элмира Амануллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети**

Диссертация химнояси Миллий тиббиёт маркази қошидаги Илмий кенгашнинг DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 рақамли 2022 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: г. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294. (болалар миллий тиббиёт маркази) Тел/факс(+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, г. Ташкент, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294, Тел./факс: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2022 йил № \_\_\_\_ рақамли «\_\_» \_\_\_\_\_реестр баённомаси).

**А.М. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.М. Қурбанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Ш. Эргашев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қорин бўшлиғидаги жарроҳлик аралашувлари гомеостазнинг кўплаб аҳамиятли даражадаги ўзгаришларини, шунингдек нейроэндокрин бузилишларни келтириб чиқаради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг жарроҳлик хавсизлиги рўйхати, глобал тадбиқ этилганлиги «хам анестезияни, ҳамда жарроҳлик аралашувини хавсиз бўлишига, шунингдек асоратларни ва ўлим ҳолатини камайтирилишига қаратилган ...»<sup>1</sup>

Бугунги кунда умумий анестезиянинг анъанавий усуллари беморни кучли ва узоқ давом этувчи жарроҳлик агрессиясидан «идеал» интраоперацион ҳимоясини таъминлай олмаслигини тасдиқловчи йирик далилий база мавжуд. Стандарт моноопиоид ёндашувни қайта кўриб чиқиш зарурияти, биринчи навбатда опиоидларнинг ножўя таъсирлари, анестезияни бошқариб бўлмаслик, шунингдек операциядан кейинги даврда когнитив дисфункциялар ривожланиш частотаси билан тушунтирилади. Айниқса, болаларда опиоид анальгезия фонидида ортиқча седация, кўп кўнгил айниши, қайд қилиш, ичак моторикаси бузилиши кузатилади, бу эса уларнинг операциядан кейинги эрта фаоллашувига ва беморларни операциядан кейинги тезлаштирилган реабилитациясининг замонавий концепциясини амалга оширишга тўсқинлик қилади<sup>2</sup> (Fast-Track surgery/ERAS)<sup>2</sup>.

Кўпчилик муаллифларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда катталар қорин бўшлиғи хирургиясида энг ишончли ва бошқариладиган антиноцицепцияни умумий анестезия ҳамда эпидурал анальгезияни ўз ичига олган комбинирланган анестезия таъминлайди. Анестезия усуллариининг танланганкомбинирланган схемаси, бу мултимодал антиноцицепция тушунчаси бўлиб, бунда ўткир оғриқ синдроми шаклланишининг турли босқичларига таъсир этувчи икки ва ундан ортиқ дориларни бир вақтда тайинлаш кўзда тутилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, сурункали касаликларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасида қатор вазифалар белгиланган. Президентимизнинг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, (8-банд) қарори мувофиқ касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва болаларга Ўзбекистон Республикасида даволаш хизматига қаратилган.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги қарорига мувофиқ.

---

<sup>1</sup>Arvid S. Haugen, Nick Sevdalis, Eirik Sjøfteland; Impact of the World Health Organization Surgical Safety Checklist on Patient Safety. *Anesthesiology* 2019; 131:420–425  
doi: <https://doi.org/10.1097/ALN.0000000000002674>

<sup>2</sup>Debotto B, Wainright TW, Wang M.Y. Consensus statement for perioperative care in lumbar spinal fusion: Enhanced Recovery after Surgery (ERAS) Society recommendation. *SpineJ.*2021; 729-752

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг №-5199, 28.07.2021. қарори.

Муҳими касалликни барвақт аниқлаш ва жарроҳлик касалликларда инновацион технологиялар ёрдамида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, анестезиянинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш. Мазкур тадқиқот, диссертация ишида қўйилган мақсадни бажарилишида давлатимиз раҳбари томонидан кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларида белгиланган вазифалар, ҳужжатлар 07.02.2017 ва 07.12.2018 йилда ижросинига қаратилган.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Травматик агентга организм оғриқ сезиш билан жавоб беради. Бу эволюцион ишлаб чиқилган жараёнدير. Бу ҳолат организмнинг оғриққа қарши ҳимояси пасайганда ҳам юзага келади. Наркоз ва анестезия усуллари ҳар хил шаклли ва турли усулларни ўз ичига олади. Аммо уларни ўрганиш ва анестезиологик таъминотни оптималлаштириш давом этмоқда. Fast-Tracksurgery ва мултимодал оғриқсизлантиришнинг замонавий концепциясидан ягона мақсад – бемор реабилитациясининг юқори сифати, уни тезкор чиқаруви эмас. «Стресс-жавоб»нинг коррекцияланмаган ҳодисалари тикланиш жадаллигининг сусайиши ва операциядан кейинги эрта даврда асоратлар миқдорининг ортишига олиб келади. Афсуски, бемор ҳар доим ҳам операциядан кейинги даврда исталган қулайлик шароитини ололмайди [McCann, De Graaff J.C., 2019].

Хирургиядаги аҳамиятли технологик ютуқлар жарроҳлик амалиёти самарадорлигини яхшилашга ёрдам беради. Ҳозирда тезкор реабилитациянинг мултимодал дастурини: операцияга тайёргарлик даврини узайтирмаслик, операциядан кейинги эрта даврда ётоқ режимини қисқартириш, жарроҳлик амалиётдан кейин беморни эрта активлаштиришга қаратилган барча усулларни қўллашмоқда [Tornerio C., Fernandes Rodrigues L.S., et al., 2021]. Анестезияни бошқариш, интраоперацион дори юкламасини камайтириш, регионар марказий блокадалар беморни эрта активлаштиришга ҳисса қўшади. Буларнинг барчаси анестезиянинг сифати ва хавфсизлигига, биринчи навбатда, унинг анальгетик компонентига талабни кучайтиради. Анъанага айланган моноопиоид ёндашувни қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга опиоидларнинг таниқли салбий тарафлари асосий сабаблардан бири бўлди [Milchak M., Dalal P.G., Samson T., 2022].

Жарроҳликдан кейин ноадекват оғриқсизлантиришнинг кўп учраши сабабли операциядан кейинги даврда болада оғриқни баҳолаш заруриятга айланди. Бола ёши ва ҳиссий ноқулайлик келиб чиқаётган оғриқ интенсивлигини баҳолашга ҳалақит бериши мумкин [Warner-Larsen S, Aagaard G.D. et al., 2021]. Оғриқни баҳоловчи ҳар-хил шкалаларнинг, турли ёшдаги болалар гуруҳларида оғриқни баҳоловчи махсус шкалаларнинг мавжудлиги

бунинг исботидир. Бундан ташқари, объектив электро-функционал ва лаборатор текширувлар жарроҳликдан кейинги тўхтатилмаган оғрик синдроми фонида турли аъзо-тизимлар ўзгаришларини қайд этади [Xu H., Mei X.P. et al., 2022]. Абдоминал хирургияда кўплаб тадқиқотлар регионар марказий блоклаш билан қўшма мултимодал анестезиянинг афзалликларига бағишланган. Травматик жарроҳликда қўлланиладиган анестезия усули бемор ҳимояси билан бир қаторда унинг хусусий симпато-адренал ҳимоя реакцияларидан маҳрум этмаслиги керак, яъни даволовчи симпатиколитис чуқур ва тотал бўлмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, анестезиолог ҳимоя даражаси жарроҳлик аралашувидаги шикастланишлар даражасига мос келиши керак [Yoon T., 2019].

Шундай экан, диссертацияда мултимодал оғриқсизлантиришнинг Fast-Track surgery замонавий технологияларини қўллаш – бу мода эмас, замона зайли. Периоперацион даврнинг барча босқичларида бемор ҳимояси - анестезиологнинг бош вазифасидир. Жарроҳлик столида «стресс-жавоб»ни бостириш, симпатик нерв тизими фаоллиги ва гипофиз стресс гормонларининг ажралиши билан кечувчи нейроэндокрин, метаболик (гиперкатаболизм, гипергликемия) бузилишлар; яллиғланиш (цитокинлар) ва иммуносупрессив ўзгаришлар ва бошқаларни бостириш зарур. «Стресс-жавоб» нинг тўхтатилмаган кўринишлари тикланишнинг кечикишига, асоратлар миқдори ва частотасига ҳамда операциядан кейинги тикланишнинг кечикишига олиб келади [Singhal N.R. et al., 2022].

Пропофол асосидаги умумий анестезия ҳамда паст газ оқими бўйича фентанил ва севофлуранни бупивакаин билан эпидурал блокадасининг қўбинирилган усули каби қуйидаги замонавий мултимодал усулларни қўллаш юқорида санаб ўтилган жарроҳлик амалиётларида адекват анестезия ва аналгезияни таъминлайди. Анестезиологик ёрдамнинг тавсия этилган услубида эпидурал блокада асосий оғриқсизлантирувчи компонент бўлади, бироқ қорин бўшлиғи аъзолари ревизияси ва ёки жарроҳлик соҳасини кенгайтириш сабабли ҳар доим ҳам эпидурал блок даражаси етарли бўлмаганлигини ҳисобга олиб кичик дозада фентанил қўлланилган. Турли фармакологик гуруҳ ва даражалардаги препаратларни биргаликда қўлланилиши бошқариладиган анестезия ва тўлиқ оғриқсизлантиришга эришишга кўмак беради. Бунда юқоридаги қорин бўлиғи жарроҳлик аралашувларидан кейинги адекват оғриқсизлантириш 5-7 соат сақланиб қолади, у эса ўз навбатида бола организмга дори юкласини пасайтиришга ва анестезиологик таъминотнинг фармако-иктисодий самараси оптималлашувининг ортишига олиб келади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ давлат регистрация рақами №01228.

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда абдоминал операцияларда мултимодал умумий анестезия ва эпидурал анестезия (МУА+ЭА)

оптималлаштирилган услубини тадбиқ қилиш ва анестезиологик таъминоти самарадорлигини ва хавфсизлигини ошириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

анестезиологик хавф (ASA)га кўра болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлиги ҳолатини баҳолаш;

болалардаги қорин бўшлиғи жарроҳлигида эпидурал анестезиянинг (ЭА) қўшма (МУА) мултимодал умумий анестезияни ҳамда анъанавий опиоид анестезиясини ўрганиш;

болалардаги қорин бўшлиғи жарроҳлигида МУА+ЭА ва анъанавий опиоид анестезия шароитида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини қиёсий нуқтаи назаридан аниқлаш;

болалардаги абдоминал жарроҳлигида МУА+ЭА ва анъанавий опиоид анестезияда кислота-асос ҳолати, қон газлари, қондаги стресс-гормонлар динамик кўрсаткичларини ўрганиш;

операциядан кейинги эрта даврда оғриқни ўрганишнинг субъектив усулларига асосланган ҳолда МУА+ЭА ва анъанавий опиоид анестезиянинг таъсири ҳамда самарадорлигини баҳолаш;

болалардаги қорин бўшлиғи жарроҳлигида комбинирланган мултимодал анестезия ва аналгезиянинг самарали моделини ишлаб чиқиш ҳамда фармако-иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда операция вақтидаги мониторингини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2022 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида турли абдоминал жарроҳлик аралашуви (қорин бўшлиғи аъзолари ривожланиш нуқсонлари, қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари ва шикастланишлари) ўтказилган 1 ёшдан 17 ёшгача бўлган 102 та бола олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периоперацион давр, операция пайтида ва операциядан кейинги оғриқсизлантиришга мултимодал ёндашув, марказий гемодинамика, гормонал ҳолат (глюкоза, кортизол, адреналин), кислота-асос мувозанати ва қоннинг газ таркиби, гемостазнинг баъзи кўрсаткичлари ҳолатини кузатиш ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда барча беморларда клиник ва инструментал таҳлил натижаларидан фойдаланилган. Марказий гемодинамика кўрсаткичлари эхокардиографик усул; қон зардобдаги кортизол, адреналин ва глюкоза миқдори иммунохемилюминесцент таҳлил; кислота-асос ҳолати кўрсаткичлари ва қонда газлар миқдори эквивибрацион микроусул (Radiometer) ёрдамида аниқланди. Капнометриянинг баъзи кўрсаткичлари севофлуранни паст газ оқимида ингаляция фонида “FabiusPlus” наркоз-нафас аппаратида ўрнатилган капнограф ёрдамида ўрганилди. Оғриқ синдроми ва жарроҳликдан кейинги оғриқсизлантириш самарадорлигини баҳолаш Вонг-Бейкер рейтинг шкаласи ҳамда оғриқсизлантиришдан қониқиш сўровномаси асосида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бупивакаин билан эпидурал анестезия асосидаги паст газ оқими бўйича пропофол, фентанил ва севофлуранли мултимодал умумий анестезия усули

каби оптималлашган усули ишлаб чиқилди. Болалардаги травматик абдоминал операцияларда марказий ва периферик гемодинамика, стерс-гормонлар миқдори, симпато-адренал тизим, кислота-асос ва қондаги газлар ҳолати, капнометрия ва пульсоксиметрия кўрсаткичлари, шунингдек, операциядан кейинги эрта даврда оғриқ синдромини баҳолаш билан кечуви ҳамда ушбу услуб самарадорлигини комплекс текширувига асосланган;

МУА+ бупивакаин билан ЭА кўп босқичли блокадасини ўтказиш усули абдоминал профили болаларда анестезиологик химояни ортишига ёрдам бериши тасдиқланди. Жарроҳлик стрессининг муқобил таъсирдан самарали химояга эришилди. Бунга периферик, сегментар ва марказий таъсирли антиноцицептив препаратлар ҳиссаси қўшилган;

тавсия этилган МУА+бупивакаин билан ЭА усули стресс-жавобни яхши бостиради, симпато-адренал ва гипоталамо - гипофизар - буйрак усти беги тизими активлигини пасайтиради, марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини барқарорлаштиради. Оптималлаштирилган МУА+ЭА услуби операциядан кейинги эрта даврнинг давомий 5-7 соатгача оғриқсиз, кам асоратли қулай кечишини таъминлаб, операциядан кейинги эрта даврида ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига травматик абдоминал жарроҳлик аралашувлари бўлган болаларда комбинирланган умумий анестезиянинг турли схемаларини қўллашда марказий нерв тизими ва гомеостазнинг функционал ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган;

жарроҳлик аралашувининг барча босқичларида ҳам, операциядан кейинги яқин 5-7 соат ичида ҳам ишончли равишда оғриқсизлантириш билан характерланувчи МУА+ЭА усули ишлаб чиқилди ва педиатрик анестезиологиясига тадбиқ этилди. Тадқиқот давомида ушбу усулнинг гомеостаз, гемодинамика, қондаги кислота-асос мувозанати ва газлар, шунингдек, беморларнинг гормонал ҳолатининг ўрганилган кўрсаткичларига жиддий асоратлари ёки ножўя таъсирлари аниқланмаган;

травматик қорин бўшлиғи жарроҳлик аралашувлари бўлган болаларда МУА+бупивакаин билан ЭА клиник-биокимёвий, қон сатурацияси ва капнометрия кўрсаткичлари динамикасига салбий таъсир этмаган. Жарроҳлик аралашуви ва операциядан кейинги эрта давр ижобий давом этган. Жарроҳлик аралашувидан кейинги реабилитация тез ва минимал асоратлар билан кечиши кузатилган;

болаларда юқорида санаб ўтилган жарроҳлик амалиётида тадбиқ этилишига кўра таклиф этилган МУА+бупивакаин билан ЭА усули фентанил асосидаги анъанавий умумий опиоид анестезияга қараганда анча самарали ва хавфсиз эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги**ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов

берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мултимодал анестезия ва аналгезия усули ишончли антиноцицептив ҳимояга эга ва яхши бошқарилади. У организмнинг ҳимоя реакциясини ёмонлаштирмайди, аммо жарроҳлик аралашувига «стресс-жавоб»ни самарали бостиради. Бупивакаинли эпидурал оғриқсизлантириш асосидаги замонавий мултимодал ёндашувни қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказиладиган узоқ давом этувчи, кенг қамровли ва травматик жарроҳлик аралашувларида қўллаш мумкин. Ушбу жарроҳлик патологиясида бола организми анестезиологик ҳимоя усуллари оптималлаштириш ва хазинасини кенгайтириш имконини беради. Травматик абдоминал операцияларда вена ичига пропофол, кам дозада фентанил, паст газ оқимли севофлуран ингаляцияси + бупивакаин 0,5%ли 1,5 мг/кг билан ЭА асосида ишлаб чиқилган мултимодал анестезия ва аналгезия усули узайтирилган оғриқсизлантирувчи самара беришини таъминлаши диссертациянинг амалий аҳамиятини белгилайди. Узоқ антиноцицептив ҳимоя – бир марта юборилган 0,5% 1,5 мг/кг бупивакаин билан МУА+ЭА, ўрта ҳисобда, 2 соат жарроҳлик аралашувига ва 5 соатоперациядан кейинги эрта даврга етарли бўлган. Жарроҳлик аралашуви соҳаси кенгайтирилганда фентанилнинг ўртача дозалари кўшилиб, интраоперацион ҳимоя 1,0 хажм % севофлуран + ушлаб турувчи дозада пропофол билан давом эттирилади.

Бупивакаин билан МУА+ЭА усули тежамли, асоратлар эҳтимоли минимал ва операциядан кейинги реабилитация тездир. Бупивакаин билан МУА+ЭА фонида оғриқ синдроми бўлмаган беморларда эрта уйғониш ва эрта экстубация (анъанавий опиоид анестезияга нисбатан 2 марта тез) аниқланди. Минимал дозали кўп даражали анестезиологик ҳимоя бола организмига бўлган фармакологик юкломани пасайишига, эрта асоратлар эҳтимолини 2 баробар камайишига, жарроҳлик муолажасининг қийматини 1,5 баробар пасайишига олиб келади. Болаларда қорин бўшлиғи операцияларида МУА+бупивакаин билан ЭА усули тавсия этилиши мумкин. Мажбурий амалий тайёргарлик, анатомио-физиологик ва функционал хусусиятларни билиш болаларда маҳаллий блокадани хавфсиз бажаришнинг зарурий билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда абдоминал операцияларда мултимодал анестезия ва аналгезия ҳимоясини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида:

болалардада абдоминал жарроҳлик амалиётида анестезиологик ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга мўжалланган илмий натижалар асосида «Болаларда қорин бўшлиғи операцияларида мултимодал анестезия қўллаш орқали оғриқсизлантириш самарадорлигини ошириш усули» (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги № 8н-р/617-сон маълумотномаси) Натижада минимал дозадаги турли хил препаратлар билан

комбинирланган мультимодал оғриқсизлантириш беморларда травматик абдоминал жарроҳлик аралашувлари ўтказилганда юрак-қон томир тизими функцияси учун қулай шароитларни юзага келишига имконини берган;

болаларда қорин бўшлиғи операцияларида мультимодал анестезиянинг бир қисми сифатида севоранни қўллаш усули натижасида «Болаларда қорин бўшлиғи операцияларида комбинирланган мультимодал анестезиянинг компоненти сифатида севоранни қўллаш усули» (Соғлиқни сақлаш Вазирлигинин 2020 йил 18 июндаги № 8н-р/161-сон маълумотномаси). Натижада болаларда қорин бўшлиғи операцияларида мультимодал анестезиянинг бир қисми сифатида севоранни қўллаш усули марказий гемодинамикани ва болаларда нейроэндокрин тизимини сақлаб қолиш учун жуда муҳим бўлган компенсатор реакцияларни сақлаб қолиш учун имконини берган;

тавсия этилган услубий кўрсатмалар болаларда қорин бўшлиғи операцияларида бупивакаин билан МУА+ЭАда анестезия кечиши ва ўтказиш тактикаси танловини оптималлаштириш имконини берди. Қорин бўшлиғи операцияларида мультимодал анестезия ва аналгезияни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали болалар анестезиологияси, реаниматология ва интенсив терапия бўлими амалиётига тадбиқ этилди;

операция даврида оғриқсизлантиришнинг тезкор, хавфсиз ва самарали оптималлаштирилган схемалари ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланилмоқда. Улар туфайли беморнинг эрта активлашуви ва операциядан кейинги даврда тез тикланишига эришилди. Анестезиологик ёрдамнинг таклиф этилган усулини тадбиқ этиш натижалари операция давридаги ва операциядан кейинги асоратларни 2 бараварга, реанимацион бўлимда беморлар қолиш вақтини, шунингдек жарроҳлик муолажасига бўлган сарф-ҳаражатни анъанавий опиоид анестезия билан таққосланганда 1,5 баробар қисқаришини таъминлади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 илмий анжуманларда, жумладан, 1 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 та республика, 3 та хорижий, 1 та Scopus журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объекти ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалардаги абдоминал операцияларида замонавий анестезиологик ёрдам»** деб номланган биринчи бобида уч кичик бобдан иборат маълумотлар шарҳи келтирилган: биринчиси - «Fast Track surgery/ERAS» замонавий технологиялари ва қорин бўшлиғи операцияларидаги анестезиологик ёрдамда мултимодал анестезия қўлланилган. Хирургиядаги «Fast Track» surgery ёки «тезкор йўл» баённомаси беморни мултимодал периперацион бошқаришдаги ультразамонавий инновацион концепция бўлиб, операцияга стресс-жавобни камайтириш, организмнинг аввалги жисмоний ҳолатини тез қайта тиклаш, жарроҳлик аралашувидан кейинги тўлиқ ва тез реабилитацияга муваффақ бўлишга қаратилган. Иккинчи ва учинчи кичик боблар «буғ ҳосил қилувчи янги ингаляцион анестетиклар билан паст оқимли ингаляцион анестезия» ва «Умумий анестезия схемаларида нейроаксиал анестезия»га бағишланган ҳамда регионар блокадаларни хавфсиз бажариш учун бола организмнинг ўзига хос анатомио-физиологик ва функционал хусусиятлари берилган.

Ушбу бобда периперацион даврнинг барча анестезиологик чора-тадбирлари батафсил таҳлил этилган, шу билан бирга хирургиянинг турли соҳаларида регионар нейроаксиал блокадалар, паст оқимли ингаляцион анестезияни қўллаш бўйича замонавий клиник маълумотлар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг материал ва усуллари»** номли иккинчи бобида белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотнинг материал ва усуллари, илмий материал йиғиш усуллари, текширув натижаларининг статистик таҳлили бўлган усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. 2015-2022 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида турли абдоминал патология (қорин бўшлиғи аъзоларининг касалликлари ва туғма нуқсонлари) билан жарроҳлик усулида даволанган 1 ёшдан 17 ёшгача бўлган 102 та болаларда истиқболли текширувлар ўтказилган. Барча беморлар 2 танланган гуруҳга ажратилди:

1 - гуруҳ (асосий, n=55) – эпидурал анестезия учун вена ичига 1,0-1,5 мг/кг пропофол ва 0,5-1,0 мг/кг фентанил, пастгаз оқими бўйлаб 1,0 х% севофлуран ингаляцияси ва 0,5% бупивакаин 1,5 мг/кг юборишга асосланган анестезиологик ҳимоянинг оптималлашган мултимодал усули қўлланган жарроҳлик операциялари ўтказилган беморлар. Бу гуруҳда болаларнинг ўртача ёши  $4,9 \pm 1,17$  ёш.

2 – гуруҳ (таққослаш, n=47) - 2-3 мг/кг дозада пропофол, 3-4 мг/кг фентанил, 0,06-0,08 мг/кг ардуан каби опиоидларни вена ичига юборишга асосланган анъанавий комбинирланган умумий анестезия (КУА) усули қўлланилган абдоминал жарроҳлик операциялари ўтказилган беморлар. Беморларнинг ўртача ёши  $5,6 \pm 1,13$  ёш.

Иккала гуруҳда беморлар ёши ва тана вазни, жарроҳлик аралашувининг тури ва давомийлиги ўхшаш бўлган (1-жадвалга қаранг). Ота-оналар ёки болаларнинг қонуний вакилларига кўзда тутилган жарроҳлик аралашуви ва текширув услублари тўғрисида мажбурий равишда ахборот берилган. Тадқиқотда ўз ихтиёри билан иштирок этишга розиликка имзо қўйилгандан сўнг беморлар текширилувчи гуруҳларга қўшилган.

### 1-жадвал

#### Беморларни гуруҳ, ёш, тана вазни ва операция давомийлигига кўра тақсимлаш ( $M \pm SD$ )

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ, n=55	2 гуруҳ, n=47	P
	бупивакаин билан МУА+ЭА	фентанил асосида КУА	
Ёш (йил)	$4,9 \pm 1,17$	$5,6 \pm 1,13$	>0,05
Тана вазни (кг)	$18,2 \pm 4,11$	$21,4 \pm 6,41$	>0,05
Операция давомийлиги (мин)	$122,8 \pm 27,06$	$127,3 \pm 21,73$	>0,05

Барча жарроҳлик аралашувлари режали равишда стандарт операцияолди тайёргарликдан сўнг ўтказилган. Қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари ва ривожланиш нуқсонлари бўлган болалар текширилди ва жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 2-жадвалда иккала гуруҳдаги беморларни жарроҳлик патологияси турига кўра жами таснифи келтирилган. Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, жарроҳлик ўтказилган беморлар орасида нозологик тузилиш бўйича Гиршпрунг касаллиги ва жигар эхинококкози устунлик қилган, бунда улар мос равишда 27,4% ва 23,5%ни ташкил этган. Кейин камайиб борувчи тартибда қуйидаги нозологиялар: Пайр синдроми ва ошқозон ости беши кистаси 15,7%дан, энтерокистома - 11,7% аниқланган. Ледда синдроми 5,9% ҳолда аниқланган.

### 2-жадвал

#### Жарроҳлик патологиясига кўра иккала гуруҳдаги беморларнинг умумий таснифи

№	Жарроҳлик патологияси таснифи	Беморлар сони (n=102)				Жами	
		1-гуруҳ (n=55)		2-гуруҳ (n=47)		n	%
		n	%	n	%		
1	Гиршпрунг касаллиги	14	25,4	14	29,8	28	27,4
2	Ледд синдроми	3	5,4	3	6,4	6	5,9

3	Пайр синдроми	8	14,5	8	17	16	15,7
5	Жигар эхинококкози	12	21,8	12	25,5	24	23,5
6	Энтерокистома	8	14,5	4	8,5	12	11,7
7	Ошқозон ости беzi кистаси	10	18,2	6	12,7	16	15,7
	Жами	55	100	47	100	102	100

Ҳамроҳ касалликлар абдоминал патологияси бўлган беморлар умумий беморлар сонидан 19 (18,6%) ҳолда аниқланган. Ҳамроҳ касалликлар тавсифи ва учраши тўғрисидаги маълумотлар 3-жалвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Беморларни ҳамроҳ касалликлари таснифига кўра тақсимлаш

№	Ҳамроҳ патология	1 гуруҳ	2 гуруҳ	Жами
1	Юрак туғма нуқсони	-	3	3 (2,94%)
2	Даун касаллиги	1	1	2 (1,96%)
3	Болалар церебрал параличи	-	1	1 (0,98%)
4	Нутритив етишмовчилик	2	3	5 (4,90%)
5	Сурункали пиелонефрит	1	2	3 (2,94%)
7	Сурункали холецистит	4	2	6 (5,88%)
8	Сурункали бронхит	2	3	5 (4,90%)
	Жами	10	15	25 (24,5%)

Куйидаги текширув усуллари ўтказилди: Эхокардиография, қонда кислота-асос ҳолати ва газларни аниқлаш, қонда кортизол миқдорини, қонда адреналин миқдорини, қонда қанд миқдорини аниқлаш, пульсоксиметрия, нафас олинаётган ( $FiO_2/FiCO_2/FiSev$ ) ва чиқарилаётган ( $EtO_2/ EtCO_2/EtSev$ ) аралашмаларда кислород/карбонат ангидрид/севофлуран концентрациясини аниқлаш, операциядан кейин оғриқсизлантиришдан қониқишни Вонг-Бейкер шкаласи бўйича баҳолаш. Текширувлар куйидаги асосий босқичларда: биринчи босқич – бошланғич маълумотлар; иккинчи босқич – кириш наркози вақтида; учинчи босқич – трахея интубацияси; тўртинчи босқич – операциянинг энг шикастли лаҳзаси; бешинчи босқич – эрта операциядан кейинги даврда ўтказилди.

Диссертациянинг «**Жисмоний ҳолатига кўра болалар саломатлиги ва жисмоний ривожланишини баҳолаш ASA**» номли учинчи бобида анестезиологик хавф ASAга асосан болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва коморбид ҳолатига кўра қиёсий таҳлили натижалари келтирилган. 4-жадвалда анестезиологик хавф ASAга асосан болаларни ёш ва таққослаш гуруҳига кўра тақсимланиши келтирилган.

ASA бўйича 1-синф анестезиологик хавфи бўлган болаларнинг дисгормоник ривожланиш тарқалиши 57,5% ни ташкил этади. Энг заиф диапазонли 4-6 ва 7-11 ёшдагилар ўғил болалар, қизлар эса 1-3 ва 12-17 ёшлилардир. Бўйининг орқада қолиши ва озикланишни бузилиши жигар эхинококкози, Пайр синдроми ва Ледда синдроми билан боғлиқ.

**Анестезиологик хавф (ASA)га кўра болаларни ёши ва таққослаш  
гуруҳига кўра тақсимланиши**

ASA бўйича анестезиологик хавф	Ёш (йил)								Жами
	1-3		4-6		7-11		12-17		
	1- гуруҳ	2- гуруҳ	1- гуруҳ	2- гуруҳ	1- гуруҳ	2- гуруҳ	1- гуруҳ	2- гуруҳ	
I синф	3	3	4	2	5	9	6	8	40 (39,2%)
II синф	7	8	9	4	4	1	3	3	39 (38,2%)
III синф	2	2	5	3	3		5	3	23 (22,6%)
Жами	12	13	18	9	12	10	14	14	102

ASA бўйича 2-синф анестезиологик хавфи бўлган болаларнинг дисгормоник ривожланиш тарқалиши 61,5% ни ташкил этди, шунингдек, Гиршпрунг касаллиги, энтерокистома, жигир эхинококкози ва ошқозон ости беши кистаси каби хирургик патологиялар билан боғлиқ эди.

ASA бўйича 3-синф анестезиологик хавфи бўлган болаларнинг дисгормоник ривожланишни кўпламчи тарқалиши «тана вазнини камлиги» (14, 60,9%) ва «ОЕЕР/холсизланишни ўртача даражаси»(14, 60,9%), қайсики меъда ости беши кистаси(12холат), Гиршпрунг касаллиги (6холат) ва жигар эхинококкози(2холат) билан ассоционирланган.

Тахлил қилинаётган гуруҳлардаги болаларнинг соғлиғи холати коморбид ривожланишини тарқалиши юқорилиги билан тавсифланади, бунда таянч-харакат тизими касалликлари ва ЛОР патологиялари, шунингдек тез-тез касал бўладиган болалар бўйича биринчи ўринни эгаллади, нутқ ва харакат функцияси ривожланиш бузилиши, сийдик йўллариининг инфекциялари, такрорланиб турувчи бронхит, аллергияк дерматит ва 2-даражали темир танқислиги анемияси. Ушбу патологик бурилиш ASA бўйича хавф 2 ва 3 синфни ташкил этган болаларда кўп учрайди.

Диссертацияни тўртинчи бобида **«Жаррохлик босқичларида ва операциядан кейинги эрта умумий анестезия усуллариинг клиник самарадорлигин баҳолаш»**Операцион-анестезиологик бўлимининг операциядан олдинги хонасида ота-онасидан ажралиш билан боғлиқ ташвишланишни қайд этди, шунингдек премедикация дори дармонларини оғриқли юборишга таъсирли муносабатда бўлишди. Катта ёшдаги беморларда ташвис ва кўрқувни ҳис қилишаётган бўлса ҳам улар ташқи томондан хотиржам бўлишди. Тадқиқотнинг натижалари тизимли гемодинамик параметрларнинг интраоперацион мониторинги билан комбинирланган анестезиянинг хар бир усули клиник тавсифига бағишланган бўлиб, қуйидаги гемодинамик кўрсаткичларини ўз ичига олади ЮУТ, САБ,ДАБ,ЎрАБ ва пульсоксиметр “Mindray” кардиомониториди (Хитой). 1-гуруҳда, МУА+ЭА шароитида режалаштирилган корин

бўшлиғидагитравматик жаррохлик амалиёти пайтида ЭА фонида севофлюран билан паст оқимли анестезияўтказишдир.

Жаррохлик амалиёти пайтида йўқотилган суюқликлар коррекцияси қилинди ва беморнинг волемик ҳолати, терининг турғори ва шиллик қаватларининг ҳолатини баҳолаш билан баҳоланди; АБ, ЮУТ, SpO<sub>2</sub>; рангпар нукта белгиси; соатлик диурез; гемотакрит ва электролитлар, давом этаётган интраоперацион йўқотишлар. 3 ёшгача бўлган болаларда (шу жумладан) жаррохлик амалиётининг 1-соатида инфузион ҳажми мувозанатли туз эритмасинг тана вазнига 25 мл/кгни ташкил этди; кейинчалик асосий эҳтиёж асосида, 4 ёшдан катта болаларда 1 соатда –инфузия ҳажми 15мл/кг ни ташкил этди.

Шундай қилиб, қорин бўшлиғидага травматик жаррохлик амалиётларида ИТ иккала гуруҳдаги беморларда ўртача 15мл/кг/соатни ташкил этди. Инфузион терапия иккала гуруҳда ҳам ўхшаш эди ва кристаллоидлар билан ифодаланган: изотоник NaCl эритмасива/ёки Рингер,кўрсатмаларга кўра коллоидлар (8% ҳолда). Гуруҳларда жорий патологик йўқотишлар ва қон йўқотишларида интраоператив фарқлар йўқ эди. Интраоперацион ИТ соатлик диурез назорати остида амалга оширилди.

1-гуруҳдаги трахея экстубацияси қилиш вақти жаррохлик амалиёти тугагандан сўнг ўртача 21,63±4,14 дақиқани ташкил этди. Ушбу гуруҳда болаларнинг уйғониши эрта эди, бу турли даражадаги дориларнинг минимал дозаларини синергик тарзда қўллаш билан изоҳланиши мумкин. Севофлуран ва бупивакаин фентанилнинг дозасини сезиларли даражада камайтиришга олиб келди. Иккинчи гуруҳда фентанилнинг юқори дозалари (анъанавий опиоид анестезиянинг ягона аналгетик компоненти сифатида) орқасидан, спонтан адекват вентилизацияни тикланишига ва уйғонишни узоқ муддатли тикланишига олиб келди.Ушбу гуруҳдаги беморларда трахея экстубация қилиш вақти 39,21±3,52 дақиқани ташкил этди. Шундай қилиб, 1-гуруҳдаги беморларда трахея экстубациясини қилиш вақти жаррохлик амалиёти тугаганидан сўнг экстубация қилиш вақти 18 дақиқага тезроқ, деярли 2 марта.

Операциядан кейинги эрта даврда оғриқ синдромининг интенсивлиги пайдо бўлиш вақтида, ўрганилаётган гуруҳлардаги фарқлар аниқланди. Иккала гуруҳда ҳам жаррохлик амалиётдан кейинги оғриқ одатда ўртача ёки кучли бўлиб, ҳолсизлик, бош оғриғи, безовталиқ, йиғлашга ва апатия билан бирга бўлган. Операциядан кейинги оғриқ синдромининг оғирлигини таҳлил қилиш жаррохлик аралашуви тугагандан кейин 2 ва 5 соатдан кейин тадқиқот гуруҳларида ўтказилди. Операциядан кейинги даврда оғриқни баҳолаш учун Вонг-Бейкер рейтинг шкаласи ишлатилди. Биринчи гуруҳ беморларда операциядан 2 соат ўтгач, оғриқ деярли бўлмаган 85,4%. Биринчи гуруҳдаги беморларда операциядан 5 соат ўтгач (6 балл), 9% да кучли оғриқ, (5-3 балл),61,6% да ўртача оғриқ ва 29% да енгил оғриқлар аниқланган. 6 соатдан кейин бупивакаинни ЭА қайта юбориш, ушбу оғриқлар интенсивлигининг сезиларли даражада пасайишига, гемодинамик ва нафас олиш параметрларининг нисбий барқарорланишига олиб келди.

Шу билан бирга 2-гурухдаги беморларда операциядан кейинги оғрик синдроми ўртача 2-2,5 соатдан кейин тикланди: 82,8% холларда жуда кучли ва кучли оғрик (9-6 балл), ўртача (5 балл) даража– 17% ҳолатда. Оғрик синдроми қайта тикланиши промедолни 0,3мг/кг мушак ичига юбориш учун асос бўлиб хизмат қилди. 5соатдан кейин беморларнинг 55,1% кучли оғрик, 2 гурух беморларнинг 44,6% ўртача оғрик давом этди.

Бундан ташқари, анъанавий опиоид анестезия билан солиштирганда бупивакаинли МУА + ЭА гурухида эрта асоратларнинг 2 баравар камайиши аниқланди, бу мос равишда 16,3% га нисбатан 38,3% ни ташкил этди.

Юқоридаги натижалар 2-гурухдаги беморларда опиоидларнинг асосий ноўя таъсирининг юқори бўлишини тасдиқлайди. Ҳеч бир тадқиқотда операциядан кейинги дастлабки даврда нафас олиш депрессияси онгни бузилиши кузатилмади. Ультратовуш текшируви остида биринчи гурухдаги беморларда маҳаллий блокадалар ўтказилди. Бу нерв ва қон томирларнинг шикастланишини камайтирди. Бироқ, 4 ҳолатда блокнинг латерализацияси қайд этилган, 2 ҳолатда ҳеч қандай таъсир кўрсатилмагани учун бошқа турдаги анестезияга ўтилган. Ушбу асоратлар МУА +ЭА моделининг шакилланиши ва ривожланиши босқичларида ривожланган.

Диссертациянинг «**Болалардаги абдоминал операцияларда умумий анестезия усуллари**нинг адекватлигини объектив таҳлили» деб номланган **бешинчи боби** уч кичик боб, анестезия ва жарроҳлик аралашувида гемодинамик ҳолатнинг таҳлилидан иборат бўлиб. 2- бобда тасвирига берилганидек гемодинамик ҳолат 5 босқичда: 1-босқич – бошланғич ҳолат, 2-босқич – индукция ва наркоз, 3-босқич – трахея интубацияси 4-босқич – операциянинг энг шикастли лаҳзаси ва 5-босқич уйғониш даврида баҳоланди.

*Биринчи кичик бобда* ЭхоКГ усули ёрдамида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини текшириш натижалари келтирилган.

Гемодинамикани кейинги текширувлари кириш наркози вақтида ушбу гурух беморларида гемодинамик параметрларнинг ёш меъёрига нисбатан аҳамиятга эга бўлмаган ишончсиз ўзгарувчанлиги аниқланди.

3-босқич - трахея интубациясида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларининг кам ўзгариши кузатилди. Бинобарин, бошланғич маълумотларга нисбатан юрак уриш тезлиги (ЮУТ), ўртача артериал босим(ЎрАБ) 1,5% ва 4,2%га, зарба ҳажми(ЗХ) ва зарбанинг периферик қаршилиги(ЗПК) 4,7% ва 6,3%га, мос равишда, ортиши кузатилиб, бола организмнинг трахея интубациясига нисбатан сақланиб турувчи реакцияси билан тушунтирилди.

Энг шикастли босқичда, трахея интубацияси ҳисобига бир оз гипердинамия кузатилганда аввалги босқичга нисбатан ЮУТ 6,2%га, ЎрАБ 6,3%га, ЗПК 18,2%га ( $P < 0,01$ ), ЗХ 10,2%га пасайиши кузатилди. Бошланғич маълумотларга кўра ЗПК 13% ( $P < 0,05$ )га, ЎрАБ 2.4%га, ЮУТ 5%га пастлигича, ЗХ операциягача даврдагидек сақланди.

Текширувнинг 5-босқичида операциягача бўлган даврдагига нисбатан ЗПК, ЮУТ ва ЎрАБ 9,5%, 3,2% ва 1,7% ҳолда пастлигича сақланиб турди, бу

борада операция вақтидаги асосий гемодинамик кўрсаткичларнинг етарлича барқарорлиги аниқланди.

Юрак индекси(ЮИ)ва хайдалиш фракцияси (ХФ)кўрсаткичлари мутлақо барқарор бўлиб, операцион стресс-жавобни ишончли тарзда бостиришни, ҳатто ушбу гуруҳдаги болалардаги травматик жарроҳлик аралашувлари вақтида жорий йўқотишлар ва қон йўқотиш фонида волемианинг билвосита барқарорлашувини тасдиқлайди.

ЭхоКГ натижалари шуни кўрсатадики, бупивакаин билан МУА+ЭА оптималлашган мултимодал ушбу усул юрак-қон томир тизимига салбий таъсир этмайди. Травматик босқичларда ЮУТ, ЗПҚ в ЎрАБнинг ишончли равишда пасайиши аниқланди, бу маҳаллий анестетик бупивакаин фонида ЭА симпатик блокада билан тушунтирилади. Болаларда эпидурал блокада ўтказишда 10-20%гача оралиқда пасайишининг кузатилиши жоиздир ЭА симпато-адренал тизимни блоклаб, унинг гиперактивлигининг олдини олиб, стресс-жавобни бостиради деса бўлади.

Пропофол симпатолитик таъсирга эга бўлиб, микроциркуляцияга ижобий таъсир этади, веноз қоннинг юракка қайтишини яхшилайти, юракка олдинги ва кейинги юкламани камайтиради. Қўлланиладиган дозадаги севофлуран бемор юрак-қон томир тизимига манфий таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, текширувлар шуни кўрсатдики, минимал дозадаги турли хил препаратлар билан комбинирланган мултимодал оғриқсизлантириш ушбу гуруҳдаги беморларда травматик абдоминал жарроҳлик аралашувлари ўтказилганда юрак-қон томир тизими функцияси учун қулай шароитларни юзага келтиради.

*Иккинчи кичик боб* болаларда анестезия ва операция босқичларида қон зардобиди буйрак усти беши пўстлоқ қисми гормони – кортизол концентрациясини аниқлаш ва катехоламин-адреналин миқдорини ўрганишга бағишланган.

Биринчи гуруҳда кортизолнинг бошланғич концентрацияси  $281,18 \pm 44,11$  нмоль/л бўлган. Травматик босқичда  $52,6\%$  бўлиб,  $399,02 \pm 66,06$  нмоль/л миқдори ташкил этди. Ушбу кўрсаткич жоиз операцион «стресс-меъёр» ичида бўлган. Операциянинг сўнгида кортизол миқдори деярли тез бошланғич кўрсаткичларга қайтди, аввалги босқичга нисбатан  $30\%$  га пасайди. 2-гуруҳ беморларида кортизолнинг операциягача миқдори ўртача  $238,52 \pm 26,26$  нмоль/л, ёш меъёрига мос бўлди. Травматик босқичда кортизолнинг  $106,4\%$  ( $P < 0,05$ ) га ишончли тарзда ортиши ва  $492,44 \pm 58,00$  нмоль/л га тенг бўлиши кузатилди. Операция сўнгида кортизол кўрсаткичлари бошланғич  $25,6\%$ дан ортиб, аста-секин бошланғич даражага етди.

Шу вақтнинг ўзида қонда адреналин концентрацияси кўрсаткичлари деярли худди шундай ўзгарди. Бошланғич босқичда 1-гуруҳ беморларида адреналин миқдори  $104,86 \pm 4,25$  пг/млни ташкил этиб, операциянинг энг травматик босқичида бошланғич босқичга нисбатан  $16,9\%$ га ортди. Операциянинг ниҳоясида қон зардобиди адреналин миқдори бошланғич босқичга нисбатан  $10,7\%$  га тез пасайиб  $110,68 \pm 4,27$  пг/мл га етди. 2-гуруҳ

беморларида адреналиннинг операциягача миқдори  $104,75 \pm 3,23$  пг/мл ни ташкил этиб, травматик босқичда бошланғич маълумотларга нисбатан  $33,6\%$  ( $P < 0,05$ ) га сезиларли ортди. Операция ниҳоясида қон зардобидаги адреналин миқдори бошланғич кўрсаткичга нисбатан  $25,6\%$  ( $P < 0,05$ ) га ортди. Бизнинг натижалар биринчи гуруҳ беморларида оптималлашган мультимодал анестезиологик ҳимоя ўтказилганда, текширувнинг барча босқичларида жоиз операцион стресс-меъёрга мос ишончсиз ўзгаришлар аниқланди, бу эса эндокрин стресс-жавобнинг адекват бостирилишини кўрсатди. Ўз навбатида 2-гуруҳ беморларида текширувнинг барча босқичларида қонда адреналин миқдорининг ишончли равишда ортиши кузатилди, бу фентанил асосидаги анъанавий комбинирланган умумий анестезия шароитида травматик абдоминал жароҳлик аралашувларида стрессга қарши ҳимоя етишмовчилигини кўрсатди.

*Учинчи кичик бобда* анестезия ва операция босқичларида гликемия даражасининг динамикаси, қонда КАҲ ва газ таркиби каби метаболит ўзгаришларнинг хусусиятлари ифодаланди. Гликемия даражаси ўзгаришлари икки босқичда: 1-босқич – операциягача, 2-босқич – операция ниҳоясида аниқланди. Биринчи гуруҳ беморларида глюкозанинг бошланғич миқдори  $4,61 \pm 0,14$  ммоль/л ни ташкил этиб, операция сўнгида  $36,4\%$  га ортди ва  $6,29 \pm 0,27$  ммоль/л га тенг бўлди. Иккинчи гуруҳда глюкозанинг бошланғич миқдори  $4,47 \pm 0,18$  ммоль/л ни ташкил этди. Операция ниҳоясида  $93,9\%$  га кўтарилиб,  $8,67 \pm 0,29$  ммоль /л га тенг бўлди, бу эса референс кўрсаткичлардан ( $4,5-6,0$  ммоль /л) сезиларли ортди.

Хулоса қилиб, биринчи гуруҳда бупивакаин билан МУА+ЭА оптималлашган анестезия шароитида гликемия ортиши ва операцион стресснинг яққол ифодаланганлиги камроқ эканлиги аниқланди.

Қонда газлар миқдори ва кислота-асос мувозанати (КАМ)нинг асосий кўрсаткичлари 2 босқичда: операциядан олдин ва операция сўнгида қайд этилди. Операция охиридаги қонда газлар миқдори ва КАМнинг барча кўрсаткичлари бошланғич кўрсаткичлардан ишончли фарқ қилмади. Қондаги газлар ва КАМ кўрсаткичларининг барқарор ўлчамлари умумий анестезиянинг ўрганилган усулларини ўтказиш вақтида операцион шикастланиш таъсири пайтида метаболит жараёнларнинг ижобий эканлигига далолат қилади. Операция ва анестезия босқичларида адекват сунъий вентиляция, қонда сатурация кўрсаткичларининг меъёрга эканлиги КАМ ва қондаги газларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Иккала гуруҳ беморларида операция ниҳоясида КАМ ва қондаги газларнинг меъерий кўрсаткичлари сақланиб қолди. Ушбу ижобий кўрсаткичлар ўрганилган анестезия усулларининг барқарорлигини тавсифлайди. Биринчи гуруҳда анестезия ва операция қон айланиши, газ алмашинуви ва метаболизмга таъсир кўрсатмади. Барча ўрганилган кўрсаткичлар беморлар ёшига мос меъёрга эди.

Диссертациянинг «**Болалардаги абдоминал операцияларда умумий анестезия усулларининг адекватлигини объектив таҳлили**» деб номланган **бешинчи боби** уч кичик боб, анестезия ва жароҳлик

аралашувида гемодинамик ҳолатнинг таҳлилидан иборат бўлиб. 2- бобда тасвирлаб берилганидек, гемодинамик ҳолат 5 босқичда: 1-босқич – бошланғич ҳолат, 2-босқич – индукция ва наркоз, 3-босқич – трахея интубацияси 4-босқич – операциянинг энг шикастли лаҳзаси ва 5-босқич уйғониш да баҳоланди.

Биринчи кичик бобда ЭхоКГ усули ёрдамида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини текшириш натижалари келтирилган. Гемодинамикани кейинги текширувлари кириш наркози вақтида ушбу гуруҳ беморларида гемодинамик параметрларнинг ёш меъёрига нисбатан аҳамиятга эга бўлмаган ишончсиз ўзгарувчанлиги аниқланди. 3-босқич – кириш наркози даврида марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларининг кам ўзгариши кузатилди. Бинобарин, бошланғич маълумотларга нисбатан ЮУТ ва ЎрАБ 1,5% ва 4,2%га, ЗХ ва ЗПҚ 4,7% ва 6,3%га, мос равишда, ортиши кузатилиб, бола организмнинг сақланиб турувчи реакцияси билан тушунтирилди. Энг шикастли босқичда, трахея интубацияси ҳисобига бир оз гипердинамия кузатилганда аввалги босқичга нисбатан ЮУТ 6,2%га, ЎрАБ 6,3%га, ЗПҚ 18,2%га ( $P < 0,01$ ), ЗХ 10,2%га пасайиши кузатилди. Бошланғич маълумотларга кўра СПҚ 13% ( $P < 0,05$ )га, ЎрАБ 2,4%га, ЮУТ 5%га пастлигича, ЗХ операция даврдагидек сақланди. Текширувнинг 5-босқичида операциягача бўлган даврдагига нисбатан ЗПҚ, ЮУТ ва ЎрАБ 9,5%, 3,2% ва 1,7% ҳолда пастлигича сақланиб турди, бу борада анестезия даврдаги асосий гемодинамик кўрсаткичларнинг етарлича барқарорлиги аниқланди.

